

ДЕХҚОНОБОД КАЛИЙ ЎҒИТЛАР ЗАВОДИ

иқтисодий жиҳатдан ривожлангани сайин туман аҳолисининг турмуши фаровонлашиб бормоқда

Қашқадарё вилоятидаги Деҳқонобод калий ўғитлар заводида Конституциямиз қабул қилинган кун ҳар йили катта тантана билан нишонланади. Узоқ-яқиндан меҳмонлар, журналистлар таклиф этилади. Тўғриси, корхона фаолияти, ишчи ходимлар ҳаёти ҳам ана шу тантанаяга муносиб, десак асло муҳолафа бўлмайди.

Бу йил ҳам шундай бўлди. Тадбир чинакам байрам тусини олди. Тадбирда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик жамият барпо этишда Конституциянинг аҳамияти, унинг ҳар бир фуқаро ҳаётида тутган ўрни, қонунийлигини янада таъминлаштиришда амалга оширилган ислохотлар, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ўзгаришлар ҳақида сўз юритилди.

— Ўзбекистонимиз суверен давлат сифатида шаклланиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади ва улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди, — деди Деҳқонобод Калий ўғитлар заводи бош директори, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Ҳамидилла Шерматов. — Ана шундай машаққатли ва шарафли йўлда эришган барча ютуқларимизнинг бош ҳуқуқий асоси Конституциямиз эканини унутмаслик лозим. Конституциямиз асосида республикада миллий қонунийлик тизими, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари шаклланди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Конституциямизнинг бутун мазмун-моҳияти инсонни улуғлашга қаратилган. Энг муҳим масалалардан бири — фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш кафолатланган. Корхонамизда жорий йилда ишчи-хотимларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Уларнинг ойлик маошлари оширилиб, қўшимча моддий рағбатлантиришлар амалга оширилиб келинмоқда. Бундан ташқари, Конституциямизнинг 37-моддасида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга экан-

лиги белгилан қўйилган. Шу боисдан ҳам корхонамизга ишга қабул қилишда ходимнинг касби ва малакасига алоҳида эътибор берилиб, хавфсиз ҳамда адолатли меҳнат шартлари тўлиқ кафолатланган.

Ушбу йилда туман Бандликка қўйлаш марказининг йўланмасига асосан 62 нафар ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётганларни ишга қабул қилдик. Шунингдек, ходимларнинг ўз касбига қизиқувчанлиги ҳамда иш самарадорлигини янада ошириш мақсадида жорий йил декабрь ойидан бошлаб, «Йилнинг энг яхши касб (хунари) эгаси» мукофоти бўйича 9 номинация жорий қилдик. Мана, бугунги тадбирда ушбу номинациялар ғолибларига диплом ҳамда пул мукофотлари топширилди...

Унинг гапини бўлиб, саҳнада инглиз ва рус тилларида шеърларни маромига етказиб айтаётган болакайлар ҳақида сўрадим.

— Улар корхона қошида фаолиятини бошлаган «Жажжи кимёгар» мактабига таълим муассасасининг 40 нафар тарбияланувчиларидир, — деди у. — Бу болалар бир йил ичида хориж тилларида бемалол гаплаша оладиган даражага етганини кўриб, ич-ичимдан фахрланиб кетяпман. Бу болакайлар корхонамиз ишчи-хотимларининг фарзандларидир.

— Туманимизда машҳур ушбу завод молиявий имконияти кундан-кунга барқарорлашиб бараётганлиги боис, ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда кам таъминланган оилаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб келмоқда, — деди ЎзХДП Деҳқонобод туман кенгаши раиси Ашур Норбоев. — Жумладан, жорий йилда туманининг Бешбўлоқ маҳалласидаги Кимёгарлар шаҳарчаси аҳолиси учун мактабгача таълим муассасаси, кутубхона ва сунъий қопламали футбол май-



дончаси янгидан қуриб, фойдаланишга топширилди. Чучукдук қишлоғи аҳолисини анча йиллардан буён қийнаб келган муаммоси ечимига ҳам ҳомийлик ёрдами кўрсатилди, яъни ички йўл қисмини таъмирлаб беришди.

Бундан ташқари, ўтган йили заводнинг раҳбари бошчилигида яна бир хайрли ишга қўл урилди. Туманимизда тикиш-бичишни биладиган хотин-қизларни муқим иш билан таъминлаш мақсадида тикувчилик цехини қуриб, фойдаланишга топширди. Натижада 20 нафар хотин-қиз ишли бўлди. Улар дастлаб пахта терими учун фартуқлар тикишган бўлса, бугунга келиб, заводнинг барча ишчи-хотимларига махсус кийим-бош ҳамда бошқа зарурий буюмларни ҳам тикишмоқда. Бу ҳам заводга каттагина фойда келтириш билан бирга 20 нафар хотин-қизнинг оиласига даромад олиб келиши таъминланди.

— Заводга ишга кирмасдан олдин уйда фарзандларим учун кийим-бош тикардим, — деди тикувчи Дилафруз Раҳимқуллова. — Олдинги туман-



нимизда ушбу заводнинг ишга тушиши бир мўъжиза бўлган эди. Завод ўзини ўнглаб, хотин-қизларни қўшимча иш билан таъминлаш мақсадида тикув цехини қуриб бергани яна бир хурсандчилик бўлди. Бу цех ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборди. Заводда иш бошлашим билан уйда ҳам, одамлар орасида ҳам ўзимга бўлган муносабат ўзгаришини ҳис қилдим. Энди мен шунчаки уйда ўтирадиган фарзандларимнинг онаси эмас, оиламга иқтисодий жиҳатдан фойдаме таъинлаш аёл, шу билан бирга улкан жамоанинг аъзосиман.

— Завод ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар ҳамда ногиронларга алоҳида эътибор қаратиб, ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келмоқда, — деди Деҳқонобод тумани кўзи охишлар жамияти раиси Жумагул Алиқуллова. — Бугунги тадбирга ҳам жамиятимиз аъзоларидан 15 нафарини таклиф этиб, уларга совғалар ҳамда пул мукофотларини топширишди. Завод раҳбарияти бу каби хайрли ишларни йил



давомида амалга ошириб келади. Бундан биз жуда хурсандим.

— Конституциямизнинг 14-моддасида «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўза, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади», деб кафолатланган, — деди Деҳқонобод туман прокурори Лазиз Ҳамроев.

— Бугунги кунда юртимизда меҳнатга лаёқатсиз кишилар, ногиронлар, кўп болали оилалар, ёлғиз кексалар моддий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Ўтган вақт мобайнида туманимизда истиқомат қилаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга, ногиронларга бир қатор ёрдамлар кўрсатилди. Жумладан, 120 та ногиронга ногиронлик аравачаси, 50 дан ортиқига эшитиш мосламаси, 70 дан зиёда бошқа ижтимоий ёрдамлар кўрсатилди. Бунда Деҳқонобод Калий ўғитлар заводининг ҳиссаси катта бўлди. Бундан ташқари, жорий йилда завод раҳбариятининг ташаббуси билан ба-ликчилик, иссиқхоналар ва яна бир

нечта йирик лойиҳадаги объектлар ишга туширилди.

— Ҳамидилла Шерматов нафақат завод раҳбари, балки депутат сифатида ҳам туманимиз аҳолисини кўп йиллардан буён қийнаб келган муаммоларга ечим топмоқда, — деди Деҳқонобод «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Кенжа Эшбоев. — Мисол учун туманимиздаги Оқиртма қишлоғи аҳолиси тоғ олди худудида истиқомат қилганлиги боис, анча йиллардан буён телефон алоқаси йўқлигидан қийналиб келишарди. Шу боисдан республикадаги йирик алоқа компаниялари билан гаплашиб, ушбу муаммони ижобий ҳал этилишида ёрдами катта бўлди.

Шунингдек, Чучукдук қишлоғидаги масжид жуда таъмирга муҳтож аҳволга келиб қолганди. Уни ҳам қайтадан қуриб берилишида завод раҳбарининг ҳиссаси катта бўлди. Бундан ташқари, икки нафар ногироннинг уй-жойи қўлаб тушадиган аҳволга келиб қолганди. Уларнинг уй-жойини ҳам янгидан қуриб беришда анчагина ҳомийлик ёрдами кўрсатди ва бирини заводга ишга қабул қилди, муқим иш билан таъминлади. Эндilikда уларнинг оиласи ҳам фаровон, турмушдан миннатдор.

«Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси билан суҳбатимизни эшитиб турган заводнинг катта оператори Абдували Ерматов «мен ҳам ўз фикримни билдирсам бўладими», деб суҳбатимизга қўшилди.

— Ҳозиргина уй-жой тўғрисидаги гапларингизни эшитиб қолдим. Ҳар бир йигит оила қураётган экан, ўзининг алоҳида уй-жойи бўлишини орзу қилади. Ушбу орзум амалга ошди. Бундан мен фарланаман. Завод томонидан ўтган йили менга ҳам намунавий уйлاردан бирининг қилити топширилди. Завод ушбу уйимнинг бошланғич тўловини тўлаб берди. Завод мени нафақат иш билан таъминлади, оиламни тинч-тотув ва фаровон яшашида, ҳаётда ўз ўрнини топишда катта имконият яратиб берди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкин, бугунги кунда заводда меҳнат қилаётган икки мингга яқин ишчи-хотимнинг ҳаётдан мамнунлиги, заводни янада тараққий эттиришга қўшаётган ҳиссасидан гуруҳ-ифтихори уларнинг юз-қўзларидан кўриб турибди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.


РЕКЛАМА

«XORAZM SANOAT QURILISH»

масъулияти чекланган
жамияти жамоаси

юртдошларимизни
Янги йил билан қутлайди!

Байрам шукуҳи, янги орзулар ҳеч
биримизни асло тарк этмасин!



O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Saidkamol XODJAYEV

Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

Muslihiddin MUHIDDINOV

Qabulxona — 71 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 71 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 71 233-47-80, 71 233-38-55.

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba
kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1238. 6332 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.

O'za yakuni — 02:20.
Topshirilgan vaqti — 03:50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchi:
Zafar BAKIROV
Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



Gazetaning elektron sahifasiga o'tish
uchun QR-kodni telefonning orqali
skaner qiling.

1 2 3 5 6